



ХУШОВОЗ ХОНАНДА.

*Наманган вилоят тарихи ва Маданияти давлат музейи илмий
ходими: Гўзал Валиева*

Ҳамидjon Маллабаевга қўшиқ айтиш раҳматли бобоси Маллабой отадан ўтган. Бобоси дехқон бўлишига қарамай ширали овози бўлиб давраларни қизитиб, турли сайллар, тўйларда оқшомдан тонга қадар қўшиқлар куйлаб эл олқишига сазовор бўлган. Кексалар хофизнинг катта Фарғона канали сингари халқ қурилишлари майдонларида куйлаган ашуулаларини зўр қоникиш билан эслайдилар. Ҳамиджоннинг оталари раҳматли Ғанибой ўша пайтларда жамоа хўжалигининг «Машал» ашула ва рақс ансамблида бадиий раҳбар хўжалик пиллачилик бригадаси етакчиси бўлган . Маллабой ота ва унинг барча оила аъзолари эса ана шу ансамблнинг фаол иштирокчиларидан эди. Уларнинг оилавий ансамллари бўлиб , турли тадбирларда қатнашардилар. Орадан мана йиллар ўтиб, Маллабой отанинг набираси, Ғанибой аканинг суюкли фарзанди Ҳамидjon Маллабаев ўзининг қўшиқлари билан барчанинг олқишига сазовор бўлмоқда.

Наманган вилояти Уйчи тумани Рудакий номидаги 25-ўрта мактаб ўқувчиси Ҳамиджондаги санъатга бўлган қизиқишини илғаган мусиқа ўқитувчиси Усмонжон Турсунов аввало қўшиқ айтиш учун соз сирларини, оҳанг йўлларини ажратса билиш кераклигини ўқтириб рубоб чалишни ўргатди. Зеҳни баланд зукко, тиришқоқ шогирд 9-синфда ўқиб юрган кезларидаёқ Республика қишлоқ бадиий ҳаваскорлик кўригида қатнашиб муваффақиятга эришади. Мактабни тутатгач Наманган маданий оқартув техникуми (маданият, ҳозирги миллий ҳунармандчилик ва хизмат кўрсатиш касб- ҳунар коллежи) га ўқишига топширади ва ўқишини аъло



бахоларга тамомлайди. 1985 йилда « Марҳабо талантлар» кўрик танловида қатнашиб бобоси куйлаган «Соғинганд қўшигини ўзгача бир эҳтирос билан куйлади.Ҳакамлар унга кўрик лауреатларидан бири сифатида «Келажаги ёрқин истеъдод « дея баҳо бердилар.Бобоси ва отаси ниятлари амалга ошди . 1985 йилда Белоруссияда ўтқазилган «Олтин бошоқ» фестивалида,1987 йилда Франция ва Швецария давлатларида бўлиб ўтган Бутунжакон фольклор ансамблари фестивалида, 1997 йилда « Ўзбекистон- Ватаним маним» кўрик-танлови Республика босқичида, 2001йил Корея давлатида бўлиб ўтган дунё халқарининг « Апрел баҳори» фестивалида иштирок этиб, лауреят бўлиб қайтди. Унинг ижодидаги Бобораҳим Машрабнинг «Ноз билан» «Маълум эмас» «Эй санам», «Захириддин Бобурнинг «Не керак», Билол Нозимнинг «Ҳаёлингиз нима» ғазалларига басталанган шунингдек «Насруллои», Мискин, «Муножат,»Ушшоқ», « Фаргона тонг отгунча», «Дугоҳ» сингари мумтоз ҳамда «Райҳон», «Гулим», «Эй малак» «Отани асрар керак» «Онажонлар» каби лирик ва замонавий қўшиқлари, она юрт муқаддас Ватани шарафловчи «Диёrim бор», «Баҳор келди», «Посбонимиз-Ўзбекистоннинг», «Наманганимни» деб номланган дилрабо қўшиқлари билан муҳлислар қалбидан жой олди. Ҳамиджон Алишер Навоий номидаги мусиқали драма театрининг вокал артисти сифатида ҳам фаол Театрда Ҳамиджонга раҳматли Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимов устозлик қилди,хонандалик билан бир қаторда актёрлик борасида ҳам изланди. Бир қатор спектаклларда «Супер қайнона»да Мардон, «Иффатини асраган аёл» да савдогарлар сардори, «Кулгисини йўқотган бойлар»да Қулбобо, «Кўрголи келдим»да Қаландар каби образларни зўр маҳорат билан ижро этди. Хонанда вилоят Республика миқиёсида бўлиб ўтадиган «Мустақиллик» «Навruz» байрамларида ҳамда анъанавий «Машрабхонлик» «Навоийхонлик» «Бобурхонлик» кунларида, катта концертларда фаол қатнашиб келмоқда Ўзбекистон халқ артисти

Камолиддин Раҳимов устози каби тинмай изланиб, устоз каби эл ардоғида.



Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1."Moziydan sado" –ilmiy-amaliy,ma'naviy-ma'rifiy jurnal.2022-2023-yillar sonlari.
- 2."Farg'ona vodiysida muzey ishi va faoliyati" I.Yusupov, I.Karimov. 2022-yil, O'zbekiston Respublikasi .Madaniy meros agentligi.
- 3."Moziy soboqlari" – Alijon Azizov. Namangan- 2021-yil.
- 4."San'at" jurnali- 2013-yil.
- 5."Guliston" –ijtimoiy-siyosiy,ilmiy-badiiy,madaniy-ma'rifiy jurnal. 2021-2022-yi